

**УДК: 636.2:631.1**

## **ТУТ ИПАК ҚУРТНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ЮҚОРИ ЯНГИ САНОАТБОП ДУРАГАЙЛАРИ**

**О.Қодиров- ассистент, АндҚХИ**

Республикаимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг ҳозирги даврдаги босқичида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янги технологияларини қўллаш талаб этилади. Юқори технологик кўрсаткичларга эга маҳсулотлар жаҳон бозорига чиқиш имконига эга бўлади. Буни ипакчилик тармоғи мисолида кўриш мумкин.

Узоқ йиллар давомида ипакчиликда асосий мақсад пилла топшириш режасини ошириб бажариш бўлиб, селекция ишлари асосан пилла ҳосилини оширишга, аниқроғи йирик, вазндор пиллалар ўрайдиган зот ва дурагайлар яратишга қаратилган эди. Охир оқибат бундай ҳолат, ишлаб чиқаришда етиштирилаётган пиллаларнинг сифат кўрсаткичларини талаб даражасидан анча паст бўлишига сабаб бўлди.

Жаҳон ипак бозорида А, А4, А5 типдаги ипак толасига бўлган талаб ва нарх жуда баланд бўлмоқда. Шу муносабат билан генетик-селекционер олимлар олдида тут ипак қуртининг юқори маҳсулдорликка эга, Республикаимизнинг ўзига хос иссиқ, қуруқ иқлим шароитига мослашган, пиллалар технологик кўрсаткичлари юқори бўлган саноат дурагайларини яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш вазифалари қўйилган.

Ипак толасини энг муҳим технологик хусусиятларининг селекция йўналишида бир қанча тадқиқотлар Ўзбекистон, Озарбайжон, Украина ва Грузиялик олимлар томонидан амалга оширилган.

З.А.Гаджийева (1981) Озарбайжон ипакчилик илмий-тадқиқот институтида метрик номери 3433-3446 м/г ипак толаси берадиган АЗНИИШ х УФ саноат дурагайини, Дан Дин Дан (1982) юқори технологик хусусиятларга эгаота ва оналик Пловдив 9 х Пловдив 8, Пловдив 9 х Пловдив 10 дурагайларини яратганлар. Л.М.Акименко, И.И.Стоцкийлар

(1981) тирик пиллаларни чуватиш орқали олиб борган изланишлари натижасида Украинская 818 зоти яратилди (ипак толасининг метрик номери 4465 м/г).

Республикамиз олимлари яратган кўпгина саноат дурагайлари ўзининг пилла ҳосили бўйича жуда юқори ўринда туради, лекин пиллалар технологик кўрсаткичлари устида селекция, дурагайлаш ишларини янада кенгроқ ва жадал олиб боришни давр тақозо этмоқда.

Ўзбекистон ипакчилик илмий-тадқиқот институтининг “Тут ипак қурти наслчилик иши” лабораториясида яратилган зот ва селекцион тизимларини ўзаро чаптириб, лаборатория синовлари учун 9 та комбинациядаги янги дурагайлар яратилди. Дурагайлаш пилла шакл формасини ҳисобга олган ҳолда 3 хил схемада олиб борилди.

1. ♀ думалоқ х ♂ думалоқ;
2. ♀ думалоқ х ♂ чўзинчоқ;
3. ♀ чўзинчоқ х ♂ думалоқ.

Тайёрланган дурагайларнинг тухум қўймалари таҳлил қилиниб, энг яхши кўрсаткичга эга комбинациялари қурт боқишга олинди. Қурт боқиш охирида қуйидаги биологик белгиларнинг кўрсаткичлари аниқланди: тухумларнинг жонланиши, %; тирик пилланинг вазни, г; ипак қобиғининг вазни, мг; ипакчанлиги, %.

Дурагай пиллаларидан 400-450 тадан намуналар олиниб, муҳим технологик белгилари аниқланди.

Маълумки, ипакчиликда ишлаб чиқариш шароитида тут ипак қуртининг фақат зотлараро F<sub>1</sub> дурагайлари боқилади, бундай қуртлар гетерозис қуввати ҳисобига аввало ҳаётчанлиги юқори бўлиб, бир қанча хўжалик қимматга эга белгилари бўйича сезиларли даражада юқори бўлади. Бундан ташқари дурагай қуртлар ташқи муҳитнинг ноқулай шароитларига чидамлилиги билан ҳам ажралиб туради. Уларнинг маҳсулдорлик даражаси ва технологик белгиларнинг намоён бўлиши дурагайларни ташкил этувчи зотларнинг ўзаро уйғунлаша олиш қобилятига боғлиқ бўлади. Шу

муносабат билан лабораторияда яратилган зот ва селекцион тизимлар иштирокида 9 хил комбинациядаги дурагайлар 2015 йил баҳорги қурт боқув мавсумида лаборатория синовларидан ўтказилди.

Дурагайларнинг пиллалари технологик кўрсаткичлари тахлили кўйидаги жадвалдан ўрин олган (1-жадвал).

Жадвалдаги кўрсаткичлар шуни кўрсатадики, янги синалаётган дурагайлар технологик белгилари анча юқори ва аксарият дурагайлар қиёсловчи дурагайларга нисбатан устунлигини кўриш мумкин.

1-жадвал

### Дурагай пиллаларининг технологик кўрсаткичлари

Дурагайлар	Хом ипак чиқиши, %	Ипак маҳсулотлари чиқиши, %	Чуватилиш, %	Толанинг умумий узунлиги, м	Толанинг метрик номери, м/г
Линия 36 х Линия 41	45,8	53,9	85,0	1367	3236
Марварид х Линия 64	42,7	54,3	78,6	1367	2958
Марварид х Линия 61	46,6	54,6	85,3	1717	3413
Линия 64 х С-8 нгл (100% ♂♂)	48,7	56,7	85,9	1343	2875
Линия 1м х С-8 нгл (100% ♂♂)	45,7	55,7	82,0	1433	3030
Линия 2м х Линия 3м	47,9	54,5	87,8	1550	3236
Линия 1м х Линия 3м	46,8	54,3	86,2	1375	3086
Линия 2м х Линия 41	45,8	52,7	86,9	1408	3236
Гўзал х Линия 65	44,7	53,5	83,6	1475	3067
Хитой дурагайи (қиёсловчи 1)	48,1	54,0	89,1	1258	3367
Тетрагибдир 3 (қиёсловчи 2)	43,1	51,5	83,7	1275	2985

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, 2015 йил лаборатория синов боқувида иштирок этган дурагайларни технологик хусусиятлари пилланинг йириклигига қарамай қутилгандек натижа берди. Марварид х Линия 61 ҳамда Линия 2м х Линия 3м каби комбинация дурагайларида қиёсловчи дурагайга нисбатан толанинг умумий узунлиги кўрсаткичи бир мунча юқори эканлигини кўриш мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Насириллаев У.Н, Пашкина Т.А. В взаимосвязь разматываемости коконной оболочки с содержанием серицина, длиной и тониной коконной нити тутового шелкопряда. //Шелк. - Ташкент, 1985. - № 2. - С. 7-9.

2. Насириллаев У.Н, Пашкина Т.А. Наследуемость разматываемости коконной оболочки в межпородных гибридах. /Шелк. - Ташкент, 1985. -№ 2. -С. 11-12.